



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
26 сентябрь
ШАНБА
№ 77
(12.193)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz


У ТАБИАТАН ТАДБИРКОР

Замонанинг зайлини қарангки, бугун "тадбиркор" деганда, давлат рўйхати-дан ўтиб, у ёки бу соҳада фаолият юри-таётган юридик шахс кўз олдимизга ке-лади. Илгари эса тадбиркор сўзи уйда-бурон, қўлидан кўп иш келадиган ки-шиларга бериладиган таъриф эди.

Паркентлик Баҳодир ота Эрназаровга "тадбиркор" сўзи ҳар икки жиҳатдан ҳам мос келади. Биринчидан, у Тошкент Давлат жисмоний тарбия ва спорт институтини битириб, ўзининг Хисорак қишлоғига ўқитувчи бўлиб келгач, бир қатор шогирдларини спортнинг кураш тур-лари бўйича "елкаси ер искамаган полвон" қилиб етиштирди. Хатто, улардан бири – Дил-мурод Рўзимов чемпионлик шохсупасига ҳам қўта-рилди.

Иккинчидан, пенсияга чиққач, яқна тартибда-ги меҳнат фаолияти билан шугулланишни их-тиёр этиб, амалдаги тадбиркорга айланди. 28 сотих ерда турфа нав узум етиштираяпти. Агар уч фарзандини ҳам қўшиб ҳисобласак, энди бу оилани деҳқон ҳўжалиги деса ҳам хато бўлмаса керак.

Нима бўлганда ҳам Баҳодир ота бугун нафа-қат Хисорак қишлоғи, балки Паркент туманида ҳам энг фаол тадбиркорлардан. У етиштираёт-ган узумнинг чўғига ҳам, сифатига ҳам гап йўқ. Собир ЗУФАРОВ олган сурат.



Пахта - 2009

РАҒБАТ БОР ЖОЙДА МЕҲНАТ УНУМЛИРОҚ БЎЛИШИ ТАБИИЙ

Деҳқон иродаси, билим ва тажрибасини синовдан ўтказиб, матонатли меҳна-тининг ҳақиқий баҳосини берадиган дамлар бошлан-ди. Вилоятимиз пахтакорла-ри кўламдан бошланиб ёз бўйи давом этган саёй-ҳаракатлари, тинимсиз меҳ-натлари эвазига бугун бе-поён далаларни оқликка буркаган пахта ҳосилини тез ва соз йиғиб-териб олишга юксак ушшоқлик билан киришдилар.

Бу йил вилотимиз бўйи-ча 100 минг 200 гектар майдонда ҳосил етиштирил-ди. Аввало таъкидлаш жо-изки, йил бошидан ноқулай келган табиий об-ҳаво ша-роитида ўза парвариш-лашнинг ўзи бўлгани йўқ. Таъбир жоиз бўлса, азал-дан пахтачиликда ўзига хос тажриба ва малака эгаллаб келган вилотимиз деҳқон-ларининг нафақат ер билан, балки табиат билан ҳам тиллашшиларига тўғри кел-ди. Чигитни вақтида экиб, тулқин ундириб олиш да-вридаги захматлари йўқо-тишларни бугун қайта эс-лаб ўтиришга ҳолат йўқ. Негаки, табиат ҳамиша ўз ҳукмини ўтказиб келган. Муҳими, бугун далалари-мизда ҳосил мўл. Контрак-тация шартномасида белги-

ланганидек, 255 минг тон-налик элворли хирмонни бунёд этишга асослар етар-ли. Бу ёғига она табиатнинг ўзи деҳқонни қўлаб турса бас, ҳамма гап мавсумни кўтаринки руҳ, ушшоқлик, юксак ташилотчилик билан ўтказишга қолади.

Буни инобатга олиб, ви-лоят ҳокимлиги бошчилиги-да барча пахтакор туман-ларда пахта йиғим-терими мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш, нисбатан кеч пи-шиб етилган ҳосилни ҳозирги илқ-иссиқ кунлар-да тезда саранжомлаб олиш учун пухта ҳозирлик қўрил-ди. Теримга тушиладиган майдонлар, отрядлар аввал-дан белгилаб олиниб, мав-сум билан боғлиқ барча таъкидлий ишлар ҳал этил-ди. Мавжуд техник имкони-ятлар тўлалигича сафарбар этиляпти.

Айниқса, бу йилги мав-сумда қимматбаҳо ҳосилни тез фурсатда йиғиб-териб олишда жонбозлик кўрсат-ган теримчидан тортиб таши-лотчи-мутаассадгача мун-тазам рағбатлантирилиб борилаётгани ҳозирнинг ўзидаёқ самарасини бера-япти. Хар кунни хар бир от-ряд бўйича уч нафар илгор теримчи турфа совға-салом-лар билан дала бошида

тақдирланаяпти. Айтайлик, биргина Бўка туманининг ўзида пахта теримига кири-шилган дастлабки кунийқ қатор теримчилар кунлик унумли меҳнатлари учун рангли телевизорлар, ги-ламлар билан мукофотлан-дилар. Бундан ташқари, беш кунлик, ўн кунлик кўр-сатқичлар бўйича пешқа-дамларга ҳам қимматбаҳо совғалар бериб борилади. Шунингдек, теримчилар иш ҳақларини ҳам дала боши-да, белгилабган нархлар бўйича нақд санаб олади-лар.

Шу ўринда вилотимиз-даги минглаб тадбиркор ва фермерлар, катта-кичик корхона ва ташилотлар мавсум илғорларини рағ-батлантириб бориш ташаб-бусини қўлаб-қувватлаёт-ганликларини эътироф этиш лозим. Уларнинг са-ховати туфайли теримчи меҳнати қўшимча рағбат-лантирилмоқда, пироварди-да кунлик суръат тобора ошиб, хирмон юксалмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Сиз суратда кўриб турган ҳали "мойи артилмаган" жийронтойлар ҳам ўз эга-ларини кутмоқда. Улар мав-сум охиригача терим суръа-тини сусайтирмаган, алоҳи-да ташаббус ва фидойилик

кўрсатганларнинг 10 нафа-рига даланинг бошида, ҳам-манинг кўз ўнгига шахсий мўл сифатида расмийлаш-тирилиб берилади.

Мавсумда пахтакорларга маънавий мадад бериш, ҳордик ва хушайфият ула-шиш мақсадида қатор маъ-навий-маърифий тадбирлар ҳам белгилабган. Унда ви-лоятимиздан етишиб чиққан санъат вақиллари қаторида республикамизда таникли хонандалар, эл суйган шоир ва ёзувчилар ишти-роқ этиб, пахтакорлар хиз-матига бўлишади. Бунинг учун вилот маданият ва спорт ишлари бошқармаси, ёзувчилар уюшмаси, "Ма-ҳалла" хайрия жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимо-ий ҳаракати, маънавий тар-ғибот маркази вилот бўлимлари катта ҳозирлик кўриб қўйишган.

Мақсад эса битта, гани-мат кунлардан оқилонга фойдаланиб, вилотнинг 255 минг тонналик юксак хирмонини қисқа фурсат-да бунёд этишдир. Амин-мизки, йилни қатор ютуқ-лар билан ўтказаятган деҳ-қонларимиз бу шарафли ва масъулиятли вазифани бекаму кўст уddалайди-лар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

Шу сонга

Вилотимизда пахта йиғим-терими қизгин тус олаётган айни дамларда дав-лат пахта сотиш шартномасини адо этишга муваффақ бўлган фермер ҳўжа-ликларидан дастлаб-ки хушхабарлар кела бошлади.

«УМИД» ТУМАНДА БИРИНЧИ

Хусусан, Чиноз тумани-даги "Умид" фермер ҳўжа-лиги деҳқонлари қабул пунктларига 38 тонна олий навли хом ашё ет-казиб бериб, зиммалари-даги вазифани туманда биринчи бўлиб адо этди-лар.

– Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳосилдорлик 32 центнер-дан тўғри келаяпти, – дей-ди фермер ҳўжалиги раҳ-бари Бейсенгул Жўлтаева. – Ҳосилимиз мўл, шу боис бу кўрсаткични бемалол 45-47 центнерга етказа-миз.

Алишер РАҲМАТОВ.

ҲАФТАЛИК НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Пойтахтимизда Ахборот-коммуникация техно-логиялари ҳафталиги ниҳоясига етди. Тадбир доира-сида АКТ саммити, ахборот-коммуникация техно-логиялари бағишланган илмий-техникавий семинар ва конференциялар ташкил қилинди. "ICTExpo – 2009" ахборот технологиялари кўргазмаси ҳафтали-нинг якуний тадбири бўлди.

Мамлакатимизда барча йўналишларда, жумладан, АКТ соҳасида амалга оши-рилаётган кенг қамровли ислохотлар юксак самаралар бермоқда. Бунда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлашти-ришни янада ривожланти-риш ва ахборот-коммуника-ция технологияларини жо-рий этиш тўғрисида"ги Фар-мони муҳим дастуриламал бўлаётди. Ушбу ҳужжатта му-вофиқ 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ах-борот-коммуникация техно-логияларини ривожланти-риш дастури ишлаб чиқи-либ, босқимча-босқим ҳаётга та-тиб қилинмоқда.

"ICTExpo – 2009" кўргаз-маси юртимизда ва хорижда АКТ соҳасида қўлга киритил-ган ютуқлар, энг янги иш-

ланмалар, кенг турдаги ўзига хос хизматлар билан танишиш, янги маҳсулотлар-ни намойиш этиш, тажриба алмашиш, савдо шартнома-лари ва ҳамкорлик битимла-ри тузиш, кўп томонлама алоқаларни янада кенгайти-риш имконини берди. Унинг павильон ва бўлимлари сим-ли ва симсиз телекоммуни-кация технологиялари, теле-коммуникация тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш ва ишга тушириш, кўча радио-алоқа, компьютер техника-си, дастурий таъминот, про-екцияли ва рақамли фото-видео, ахборотни химоя қилиш тизимлари, йўлдош ва кабелли телевидение, те-лерадидиозиттириш каби йўналишларни ўз ичига олди.

– Абонентларимиз сони олти ярим миллиондан

ошди, – дейди "MTS-Ўзбе-кистон" очик акциядорлик компанияси маркетинг де-партаменти раҳбари Бобур Назарзода. – Компаниямиз сигнал доираси мамлақати-миз ҳудудининг тўқсон фо-издан ортигини қамраб ол-ган. Ўтган йилнинг декабри-дан 3G UMTS стандартида алоқа хизмати йўлга қўйил-ди. Буларнинг барчаси Ўзбе-кистонда ахборот техноло-гияларини кенг ривожланти-ришга қаратилган доимий этиборнинг самараларидан-дир.

АКТ ҳафталиги кенг жа-моатчиликка Ўзбекистонда ахборот жамиятини шакл-лантириш борасида қўлга киритилган янги ютуқлар билан танишиш имконини берди. Шубҳасиз, "ICTExpo – 2009" ҳафталиги мамла-катимизда АКТ бозорини янада ривожлантириш, соҳа-да халқаро ҳамкорлик қўла-минини янада кенгайтириш ва мустаҳкам амалий алоқалар ўрнатишга хизмат қилди.

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

ЯНГИ ФИШТ ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 19 июнда қабул қилинган "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да"ги қарори мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари қўла-мин янада кенгайиб, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқа-риш ҳажмининг ортишида муҳим қадам бўлди.

Маъмур қарордан кўзда ту-тилган асосий мақсад, "Қишлоқ таракқиёти ва фаро-вонлиги йили" Давлат дасту-ри ижроси доирасида янги ишлаб чиқариш иншоотлари-ни барпо этиш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, аҳолининг қурилиш маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришдан иборат.

Бу борада Окқўрғон туман-ида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда айни пайтда бир қатор йирик қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари фаоли-ят кўрсатмоқда.

Яқинда туманда пишиқ фишт ишлаб чиқарувчи "Имкон" кор-хонаси иш бошлади. Анчадан бери фойдаланилмай, қаров-сида аҳолида ётган эски фишт заводи ўрнида қайта қад рост-лаган янги корхонага замона-вий технологиялар ўрнатилди. Фишт ишлаб чиқариш учун яроқли саз тупроқ корхонага яқин ҳудуддан ташиб келти-рилмоқда.

Бунёдкорлик ота-бобола-римиздан мерос қадриятлар сирасига қиради, шу боис, юртимизда қурилиш материал-ларига талаб ҳар доим юқори бўлиб келган, – дейди корхона раҳбари Умид Мирзақул-ов. – Корхона таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига йигирма миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш мақсадида янги технологиялар олиб келиш учун 100 милли-он сўм кредит олишни мўлжалламоқдамиз. Буларнинг барчаси мамлакатимизда та-дбиркорларга кенг йўл очиб берилаётганидан далолатдир.

Бу ерда бир йилда икки миллион донадан ортиқ си-фатли пишиқ фишт тайёрлаш имконияти яратилди. Корхона-да айни пайтда 30 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Корхона тўла қув-ват билан ишлаб бошлагач, ишчилар сони икки баравар кўпади.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА СИФАТ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда амалда ўзининг юк-сак самараларини бераётган Инқирозга қарши чора-лар дастурида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлашни янада жадал-лаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бунда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, тех-ник ва технология қайта жи-ҳозлаш, халқаро сифат стандартиларига ўтиш бўйи-ча қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оши-ришни тезлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбати-да, бу корхоналарнинг ҳам

ташқи, ҳам ички бозорда барқарор маъқега эга бўли-шини таъминлаш имкони-ни беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкчини бошқа-риш давлат қўмитасида кор-хоналарда сифатни бошқа-риш тизимини жорий этиш-да консалтинг фирмаларини танлаш билан боғлиқ маса-лалар муҳожама қилинди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Хушхабар

БРОНЗА МЕДАЛЬ ҲАМ ЧАККИ ЭМАС


Айни кунларда Даниянинг Хернинг шахрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйи-ча жаҳон чемпионати ўтказилмоқда. Унда эр-кин кураш бўйича вакилларимиздан пойтахтлик Заурбек Соҳиев олтин, вилотимиз спортчиси Дил-шод Мансуров бронза медали соҳиб бўлишди.

Шу вақтгача 55 кило-грамм вазн тоифасида икки марта жаҳон чем-пионлигига эришган Дилшод Мансуров нав-батдаги чемпионатда оғирлиги олтиш кило-граммми полвонлар би-лан куч синашди. У хи-

бронза медалини қўшиб қўйди.

– Хар қандай спортчи ғалаба билан бир қатор-да мағлубиятни ҳам тан ола билиши керак, – дейди Д. Мансуров. – Мен икки карра жаҳон чемпиони бўлсам, бу гал учинчи ўрин насиб этган экан. Лекин қувончим чексиз. Чунки жаҳон че-пионатида яна бир кар-ра юртим байроғи кўта-рилди.

Хуришда НАЗАРОВА.



СУРАТДА: бу "Матиз"лардан бири сизники бўлиши мумкин. Даврон АҲМАД олган сурат.

Нишондорларимиз

ИҚТИДОРЛИЛАР
ДОИМ ЭЪЗОЗДА

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти шеърят, санъат, бадий адабиёт соҳасида изланаётган қизларимиз иқтидорларини намойиш этишлариға замин яратмоқда. Йилдан йилга "Зулфияхоним қизлари"нинг сафи кенгайиб, ўтган вақт мобайнида уларнинг сони 140 нафардан ошди.

Кунни кеча Тошкент туманидаги Маийшият кассабиркорлик касбхунари коллежидида вилот ва туман хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Зулфия номидаги давлат мукофоти бўйича Республика комиссиясининг аъзолари, вилотнинг барча туман ва шаҳарларидаги коллеж раҳбарлари ва уларнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосарлари иштирок этдилар.

Мукофотга муносиб, ҳар томонлама истеъдодли, ҳам ўқишда ҳам жамоат ишларида фаол қизларни излаб топиш йиғилишда асосий масала сифатида

қўрилди. Шунингдек, маҳаллий комиссиялардан жўнатилаётган ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, ёзилаётган ҳар бир ҳужжатга масъулият билан ёндошиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Семинар давомида мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга аниқ жавоб бердилар.

Таъкидланганидек, ёшларимизга қўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик уларнинг янада юксак чўққиларни забт этишларида мадад бўлади.

Семинар ишида вилот ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва иштирок этди.

Зангиота туманидаги "Тожиёв Омад" масъулияти чекланган жамияти ўқув муассасалари учун ишлаб чиқараётган меҳнат қўшниқларга талаб ортиб бормоқда.

ҚўШНИЛАРГА СИРАТЛИ МЕБЕЛ

Корхонада ясалган парта, стол, стул ва китоб жавонлари шартнома асосида Сирдарё, Самарқанд ва бошқа вилотларнинг мактаб ҳамда коллежлариға жўнатишмоқда.

Юсуф ЖУМАЕВ.

ДОИМИЙ
МУҲОФАЗАДА

Пойтахтимизда Фукарлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда, Формалар – Италиянинг Миландаги Савдо-саноат палатаси махсус агентлиги, Европа хотин-қизлар лоббисининг Италия Мувофиқлаштирувчи кенгаши, "Марта" Айлар рекурсор маркази кўмағида икки кунлик семинар ташкил этилди.

Унда аёллар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини, жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш, касбий ўсишни қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш каби долзарб масалалар ҳусусида сўз юритилди.

Йиғилишда "Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида қасанчаларни ташкил этиш, аёллар иштирокида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларға имтиёзли микрокредитлар ажратиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

У.А.

МУТОЛАА
БАЙРАМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Мутулаа байрами – 2009" мавзусидаги маърифий ҳафталик бошланди. Ҳар йили 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар кунлари арафасида ўтказилган ушбу тадбирнинг очилишда педагоглар, олимлар, кутубхоначилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришда, янги адабиётлар билан таништиришда юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Мутулаа байрами" муҳим ўрин тутди.

Миллий кутубхонанинг Ёшлар ахборот марказида ушбу тадбир доирасида янги китоблар, дарсликлар, уларнинг электрон вариантлари, журналлар, илмий-оммабоп адабиётлар, маълумот базаларининг тақдироти, китоблар курғазмаси, кутубхоначилик соҳасини ривожлантиришга оид дара сўхбатлари, анкуманлар, олимлар, илгор ўқитувчилар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Шунингдек, ахборот-ресурс марказларининг мутахассислари учун семинар-машгулотлар, ёш расомларнинг курғазмалари, болалар музика ва санъат мактаблари бадий жамоаларининг концертлари, интеллектуал беллашувлар ҳам ташкил этилиши кўзда тутилган.

У.А.



УНИНГ ЗИЙНАТИ МЕҲНАТСЕВАРЛИК

Истиқлол туфайли ҳаётида муҳим бурилиш ясалган инсонлар оз эмас. Улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан эл-юрт назари, Ватан ардоғиға сазовор бўлимоқдалар. Ангрен кўмири кони экскаватор машинисти Абдували Назарқулов ўттиз йилдан буён ўз касбини улуглаб келади.

Қўринишидан содда, камсукум экскаваторчининг ўқир, ўйчан нигоҳларида меҳр-муҳаббат, садоқат ифодалари зоҳир. Севиқли фарзанди Орифжон ота касбини танлаб, экскаватор рулиға ўтирганида Абдували беҳад қувонган эди.

Афсус, пешонасига сиймади. Энди отанинг ўқисқалбига таскин берувчи иккинчи ўғил – Олимжон кўмири конида электр қилангар бўлиб ишламоқда.

Ҳақиқатан ҳам, фарзандлари, ўғил-қизлари ўз касбига меҳр қўйиб улғайиш-

ди. Қатъий эътиқоди, касбига садоқати Абдувалини ҳаётнинг ҳар қандай синовларини сабр-бардош билан енгишга ёрдам берди. Муқтадирлигининг 18 йиллиги арафасида Ватанинг юксак мукофотларидан бири – "Шўхрат" медали билан тақдирланиши унинг оиласига, жамоасига катта қувонч келтирди.

Одамнинг зийнати аввало, меҳнатсеварлиқдир, дейди у. – Ҳақиқий меҳнаткаш инсон ҳамиша шўхро-

налик билан яшайди, бориға қаноат қилади. Меҳнатнинг шўхратини эл-юртға намойиш этган истиқлолга, тинч-тотув ҳаётимизға шўхроналар келтираман. Маънавий рағбат қўнғилға, моддий рағбат белға қувват дейишди. Бундан буён ҳам Ватанимизнинг юксак ишончини оқлашға, халқимға сидқидилдан хизмат қилишға тайёрман.

Сайёра РИХСИЕВА,
Даврон АҲМАД
олган сурат.

Истеъмолчи ҳуқуқи

– Кечирасиз, эрталаб сиздан шў консервани сотиб олувдим, – деди савдо дўконига ҳовлиқиб қирган аёл. – Шошилиб, истеъмол қилиш мўддатига эътибор бермабман. Мўддатни ўтган, таъми ҳам ўзгарган экан. Нега бундай махсуслотларни сотасизлар? Ахир, бу инсон саломатлиги учун хавфли-ку. Кейинги сафар тегишли идораларға мурожаат қиламан.

Дўкондаги мижозлар орасида шивир-шивир бошланди: "Тўғри-да, шунақаям инсофсизлик бўладики? Таваб қилдим... Шу махсуслотни ўзининг фарзандлари есачи?"

Буни қарангки, аксарият ҳолларда истеъмолчилар озик-овқат махсуслотларининг сифати ва ярқилиғига кеч бўлса-да, эътибор беришади-ю, аммо айрим савдо ходимлари бу ҳақда ўйлаб ҳам қўйишарми. Устиға устак, бугунги кунда бозор ва дўконларнинг пештахталарини тўлдириб турган кўпгина махсуслотларнинг қалбақлаштирилган нусхалари учрайпти.

Масалан, ҳозир соч бўёқларининг "Велатон", "Мисс Маги", "Полет", "Бьюти", "Гарниер" каби ўйлаб турлари бор. Украинанинг "ЭКМИ" масъулияти чекланган савдо фирмасининг "ACME COLOR" соч бўёғи ҳам жуда машҳур. Деярли ҳамма аёллар шу бўёқдан фойдаланишади. Афсуски, айрим тадбиркорлар бу соч бўёғининг ҳам қалбақисини "иҳтиро" қилдилар.

– Урганишлар жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ҳозир "ACME COLOR" – "Рябина" деб номланган соч бўёғи биз-

ға Хитойдан кириб келмоқда, – дейди Янгийул шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Зухра Хайдарова. – У жуда сифатсиз бўлиб, тарқибда поймабзал креми ва хина аралашмаси, 0,5 фоиз кўрғошин моддаси бор. Бундай сифатсиз махсуслотдан фойдаланган

сифати талабға жавоб бермайдиган, сохта "ACME COLOR" савдо белгиси махсуслотни сотиш билан шугулланаётган шахслар аниқланиб, уларға нисбатан тегишли чоралар қўрилимоқда. Шунингдек, "ЭКМИ" фирмасининг Ўзбекистондаги расмий диллери "Бону Косметик" масъулияти

– Ажабланирлиси шундаки, хотин-қизларимиз нархи асл соч бўёғидан бирмунча арзон, қадоқланиши ўхшаш, лекин сифатсиз бўёқдан фойдаланиб, ўзларига жабр қилмоқдалар, – дея суҳбатни давом эттирди Зухра Хайдарова. – Ҳолбуки, ҳар қандай товарни харид қилаётган истеъмолчи аввал у ҳақда тўлиқ маълумот олиши керак.

Дарҳақиқат, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, харидор савдо ходимидан сотилаётган товар ҳақда зарур ва тўғри маълумотни беришни талаб қилишға ҳақли. Агар савдо қилувчи нотўғри маълумот берса, бундай ҳолат сифатсиз махсуслот сотиб олишға олиб келган бўлса, истеъмолчи келтирилган зарарни тўла қоплаб беришни талаб қилиши мўмкин.

Қонуннинг 7-моддасига биноан, истеъмолчи ўз эътирозини ёзма равишда маълум қилиши ва муаммо ҳал қилинмаган тақдирда жойлардаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига мурожаат этиши зарур.

Албатта, истеъмолчи шахсий эътиёби учун харид қилган махсуслотнинг сифатидан кўнгли хотиржам бўлиши лозим. Чунки, фойдаланишға ярқоч нарса учун ҳаётиға, соғлиғига жиддий зарар етказиши мўмкин. Шунинг учун ҳар бир истеъмолчи ҳамиша ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши ва ҳимоя қила олиши зарур.

Ирода НОРОБОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Соғлом она – соғлом бола

НИКОХДАН ЎТИШГА
ШОШИЛМАНГ...

Оила – муқаддас маъво. Чунки ҳар бир инсон оилада қамолотга эришади. Шунинг учун никоҳ ва оила тушунчаларини тўғри англаш, уларнинг жамиятимизда тутган ўрнини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги таъкидланган. Оилавий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси» билан тартибга солинади. Бу никоҳ, эр-хотин, ота-она, болалар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабатлардир.

Оила мустақамлигининг муҳим омилларидан бири оила қуриш ёши ҳисобланади. Қизлар 16-17 ёшда балоғатга етади, йигитлар эса 17-18 ёшда. Бу мазкур ёшда оила қуриш мўмкин, дегани эмас албатта. Тиббиётшўносларнинг таъсири билан оила қуриш мақсада эрта оила қуриш мақсада мувофиқ эмас. Бу, аввало, йигитнинг оила бошлиғи сифатида шаклланишға салбий таъсир қилиши мўмкин. Қизларнинг эрта турмушга чиқиши эса оилавий ҳаётга тайёр эмасликлари туфайли салбий оқибатларға олиб келади. Табиийки, 16-17 ёшли қизнинг жисми оғир юмушларни бажаришға қодир эмас. Иккинчидан, қизлар бу ёшда маънавий жиҳатдан ҳам оилавий муносабатларға тайёр бўлмайди. Учинчидан, келинларнинг шу ёшда ҳомилдор бўлиши турли касалликларға сабаб бўлади. Тўртинчидан, ўз ҳуқуқларини англаб етмаган, репродуктив маданияти тўла шаклланимаган ёш қизлар бирор ҳунари ёки касбини эгалламай, маълум

мотли бўлмай турмушга чиқиши оилада уни қарама-қайлаштириб қўяди. Шунинг учун қизларнинг ҳунари ёки мутахассисликка эга бўлгандан кейин турмушга чиқишлари мақсада мувофиқдир.

Оила қуриш, никоҳ – ҳақиқий муҳаббат мевасидир. Чин севги ва садоқат ила қурилган оилагина мустақам бўлади. Ҳозирги кунда ФХДЭ идораларига мурожаат қилмай, шаръий қоидалар асосида никоҳдан ўтиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу эса, никоҳланувчиларнинг оилавий муносабатларини қонуний қафолатламайди. Бундай оилаларда туғилажак фарзанд эрта оила қуриш мақсада мувофиқ эмас. Бу, аввало, йигитнинг оила бошлиғи сифатида шаклланишға салбий таъсир қилиши мўмкин. Қизларнинг эрта турмушга чиқиши эса оилавий ҳаётга тайёр эмасликлари туфайли салбий оқибатларға олиб келади. Табиийки, 16-17 ёшли қизнинг жисми оғир юмушларни бажаришға қодир эмас. Иккинчидан, қизлар бу ёшда маънавий жиҳатдан ҳам оилавий муносабатларға тайёр бўлмайди. Учинчидан, келинларнинг шу ёшда ҳомилдор бўлиши турли касалликларға сабаб бўлади. Тўртинчидан, ўз ҳуқуқларини англаб етмаган, репродуктив маданияти тўла шаклланимаган ёш қизлар бирор ҳунари ёки касбини эгалламай, маълум

Умуман олганда, эрта никоҳларнинг олдини олишда ФХДЭ идоралари ҳодимлари, маҳалла хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари вакиллари билан биргаликда коллеж ва мактабларда, маҳаллаларда тарғибот ишларини олиб бориш зарур. Бундан қутилган мақсад эса битта – ёшлар оила муқаддас гўша эканлигини чуқур англаб етишлари керак.

Нури ИКРОМОВА,
Ўртачирчиқ туман ФХДЭ бўлими мудираси.

Мерос

ИСТИҚЛОЛ ЮЗАГА
ЧИҚАРГАН АЛЛОМА

Шоир, таржимон ва ношир Хислат томонидан ўтган асрининг бошларида тартиб берилиб чоп этилган баёзға кўз югуртиганим заҳоти юрагим жиз этди. Китобда Хислатнинг 1937 йилда уч фарзанди орасида тушган сурати бор экан.

Шунда вилотимизнинг сўлим ва хушхаво манзилларидан бўлган Бўстонликнинг Хондайлик қишлоғидан етишиб чиққан аллома Сирожиддин Сидқийнинг хаттолиқдаги сеvimли шоғирди Абдулла ота Носиров мўдмат тарбалаб юрадиган гаплари ёдима қолди: "Хислат – домланинг энг яқин, энг қадрдон дўстларидан бўлган. Уша пайтларда Эски шаҳарда бир сураткаш бор экан. Қўнлардан бир кўни Хислат устозини суратға тушириш учун билдирмай олиб борибди. Аммо ўта хушёр домлам сураткашға чап бериб кетган эканлар..."

Сидқий Хондайликнинг дарҳақиқат, биронта ҳам сурати йўқ. Китоблардаги қиёфалар эса ясама, шоир руҳсориин ёдға сола олмайдим.

Мен эса ўша суратни кўриб, Сирожиддин Маҳдумни кўргандек бўлдим! Фазлу қамолоти гоёт ўқир Сидқий тез орада Камий Тошкандий, Ифбат Богистоний, Ризой Андижоний, Юсуф Сарёимий, Васил Самарқандий, Асирий Ҳўжандий, Ғурбатий Туркестоний, Муҳаййир Ҳўқандий каби маънавият даргаларининг даврдошлариға айланган. Қизгин муношулар бе-дилхонликка уланиб кетар, ҳар ким даврда ўз маҳоратини намойиш этади. Шаҳр ақли учун машҳур бўлган Белил асарларини ўрганиш, ундан янги-янги маънолар кашф этиш борасида ҳам Сидқий тенгсиз бўлган. Мушоиралар, турли сўхбатлар мавзуси албатта, Ватан озодлиғи, ҳуррият ҳақидаги умидбахш орзуларға бориб тақаларди.

Сидқий Хондайликнинг ҳаёти турли мураккабликлар ва синовлар ичра кечди. Тошкентга қат-

суратлар қизган инсоннинг номи ўчиб, унутилиб кетиши мўмкинми?

Шу тобда ўтмишдаги кичик бир воқеани ёдға олгим келди. Ўтган асрининг сақсонинчи йиллари эди. Шоир таваллудининг юз йиллиғи арафасида унинг асарларидан намуналар тўплашға киришганимиз. Адабиётшўнос олимлар Беғали Қосимов, Абдулҳамид Жалолов билан ҳамкорликда Сидқийнинг ўша давр "қўтара оладиган" асарларидан мўъжазгина китобча тайёрлаб, Ғафур Ғуллом номидаги нашриётға топширдик. "Навбахор" деб аталган тўплам ёруғликка чиқиш арафасида – 1984 йилда нашриёт режасидан "тушиб қолибди". Беғали Қосимов кўнглисиз бу хабарни айтиб, қўлёмзани менға топшираркан:

– Энди фойдаси йўқ, поезд кетиб бўлган, китоб чиқмайди, – деди хафсаласизлик билан.

Мен ўзимни сира боса олмадим. Ўн йилдан зиёд вақт даврдаги елим-югуриллар, адабиёт шевимили шоғирди Абдулла ота Носиров билан ҳамкорликда туни тоғта уйда чекилган захмлар... Мен қўлёмзани қўлтиқлаганча маълум идораларға катнашардим. Ҳўллас, айнан шу 1984 йилда Сидқий Хондайликнинг "Навбахор" шеърӣ тўплами дунё юзини кўрди! Муқтадирлигимиздан сўнг Сидқий Хондайликнинг асарлари ўз ўқувчиларни кўтмади. Танланган асарлар чоп этилди, катта-кичик мақолалар, хатто "Чиройим, мен – Сидқийман, Хондайликман" китоби ҳам юзага келди. Бунда Ғуллом Қаримов, Өзод Шарафуддинов, Наим Қаримов, Маҳмуд Хасаний, Муҳаммадвали Қўшмоқов каби олимжон, адолатпарвар адиб ва олимларнинг хизматлари катта бўлди.

Асад АСИЛ.

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куну

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолиғида таълим тизимини ривожлантириш, ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши учун пўхта замин яратиш, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш, мактаблар моддий-техник базасини мустақамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалға оширилмоқда.

Бундай хайрли ишлар самарасини Чиноз тумани мисолида ҳам яққол қўриш мўмкин. Айни пайтда туман халқ таълими бўлими тизимида 72 билим даргоҳи фаолият кўрсатмоқда. Шундан иккитасини махсус мактаб-интернат, иккитасини спорт, яна иккитасини мактабдан ташқари таълим муассасалари ташкил этади. Қолганлари эса умумтаълим мактабларидир. Уларда 1754 нафар ўқитувчи ёшларға таълим-тарбия бераётир.

Мактабларимизнинг аксарияти қишлоқларда жойлашган. Айни пайтда ушбу илм масканларида минглаб ўғил-қизлар шаҳар-ниқидан қолишмайдиган шароитларда таълим-тарбия олмақда.

Эски тузум даврида қишлоқ мактаби деганда, эски бинолар, бир неча авлодға хизмат қилиб, мўддатини ўтаган парта, стол-стуллар, тор, нимкорончи синфхоналар, қиш кунлари совуқдан жунжикиб ўтирган ўқувчилар оғзидан бўз чиқиб дарс бераётган муаллимлар кўз олдимизда гавдаланар эди.

Энди қишлоқ мактабларида тамоман бошқача манзарға гувоҳ бўласиз. Кенг, ёруғ синфхоналарда, барча замонавий шарт-шароитлар асосида билим олаётган ўқувчиларни кўриб, ҳавасингиз ортади. Компьютер ва бошқа замонавий техника

билан бугунги ёшларни хайратға солишнинг илоҳи йўқ. Бугун қишлоқ ёшлари ўз синфларида, интернет орқали дунёнинг исталган бурчағидаги тенгдошлари билан алоқа ўрнатиб, дунёдаги ўзгаришлардан хабар топа оладилар. Буларнинг барчаси истиқлол яратиб берган имкониятларнинг ёрқин самараларидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури халқ таълими тизимиға қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Туманимизда ҳам мазкур дастур асосида кенг қамровли ишлар амалға оширилмоқда.

Ушбу дастурға киритилган 46 мактабнинг бештаси янгидан барпо этилиши, 18 тасида капитал реконструкция, 22 тасида

капитал, биттасида жорий таъмирлаш ишлари бажарилиши белгиланган эди. Айни пайтда қадар бу борадаги ишлар муваффақиятли амалға оширилди. Жорий йилнинг ўзида урта мактаб капитал реконструкциядан, тўрттаси капитал таъмирдан чиқарилди. 3- ва 39-мактаблар учун янги, замонавий ўқув бинолари қурилиб, фойдаланишға топширилди. Ушбу таълим масканлари янги ўқув йилида ўқувчиларға янги, замонавий қиёфада қўчоқ очди.

2004-2008 йиллар мобайнида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган мактаблар умумий қиймати 2 миллиард 420 миллион сўмлик замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер жамланмалари, лаборатория асбоб-ускуналари, спорт инвентарлари билан таъминланди. Келгуси йилда 21-мактаб капитал реконструкция қили-

ниши, 11-мактаб капитал таъмирлиниши кўзда тутилган.

Юртбошимиз айтганларидек, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, халқимизнинг эртанги кўни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълими ва тарбия олишига боғлиқ.

Мамлакатимизнинг порлок истиқболли олдиди аша шу юксак масъулиятни барчамиз, хусусан, биз, ўқитувчи ва мураббийлар янада теран англамоғимиз, бор куч ва имкониятимизни шу хайрли мақсадлар йўлида сафарбар этмоғимиз лозим.

Тўлқин ДУРМБЕТОВ,
Чиноз тумани халқ таълими бўлими бошлиғи.
У.А.

Футбол

«БУНЁДКОР»НИНГ
АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Қўшмадаги футбол клубларининг энг нуфузли мусобақаси – Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси чорак финалнинг дастлабки учрашувида Жанубий Кореянинг «Похан Стилрс» футболчиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуи стадионидаги учрашув меҳмонларнинг кескин ҳужумлари билан бошланди. Тезкор ўйин намойиш этган корейслар саккизинчи дақиқада Но Бюн Чжуннинг аниқ зарбаси билан ҳисобни очди. Ўз майдонида ютқазиб қўймаган «Бунёдкор» вакиллари ташаббусни ўз томонига олди. Виктор Карпенко узоқ масофадан меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олди.

Бу йилги мусобақада энг муштарак ҳимояга эга бўлган «Похан Стилрс» футболчилари асосий эътиборини дуранг натижани ушлаб қолишга қаратди. Натижада ҳамюртларимиз рақиб ҳимоясини ёриб ўтиш учун аниқ тер тўкишлари керак бўлди. Бундан ташқари, корейлик посбон Шин Ха Ён асқариёт вазиятларда жамоасини голлардан сақлаб қолди.

Учрашувнинг энг қизгин палласи сўнгги дақиқаларда.

га тўғри келди. 79-дақиқада «Бунёдкор» сардори Ривалдо ҳамда тезкор ярим ҳимоячи Жасур Ҳасанов ажойиб комбинацияни уюштирди ва бундан унумли фойдаланган Осиёнинг энг яхши футболчиси – Сервер Жепаров «Похан Стилрс» дарвозасини ишғол қилди. Қизғин шундан, орадан бир неча дақиқа ўтиб, Ривалдо ва Жасур Ҳасанов самарали комбинацияни яна бир бор такрорлади. Бу гал ҳам меҳмон жамоа ҳимоячилари ҳеч қандай қаршилик кўрсатолмади ва учрашувнинг энг яхши ўйинчиси, деб тан олинган Сервер Жепаров яна рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди – 3:1.

Энди 30 сентябрь куни «Бунёдкор» футболчилари Жанубий Кореяда ўтказилган жавоб ўйинида «Похан Стилрс» меҳмони бўлади. Ушбу баҳсда дуранг натижа ҳам ҳамюртларимизни ярим финалга олиб чиқади.

Ў.А.

ОЧЛдаги иккинчи вакилимиз «Пахтакор» эса Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоасини қабул қилди. Биринчи бўлимининг 6-дақиқасида Милан Николит дарвозани ишғол қилиб, Виктор Жалилов шогирдларини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Иккинчи бўлимда чарм тўпчиларимиздан бироз омад юз ўтирди. Ҳимоячиларимизнинг қўпол хатолиридан фойдаланган Солиҳ Ал Сақри 72-дақиқада ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Шу тариқа биринчи учрашуда жамоалар дурангга имзо чекишди. Энди барча масалани Жиддада ўтказилган жавоб ўйини ҳал этиб беради.

РУСЛАН ВА
АНУЗАР — ЖАҲОН
ЧЕМПИОНИ!

Германиянинг Оберхоф шаҳрида ёзи биатлон бўйича давом этаётган жаҳон чемпионатининг иккинчи кунинда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — Руслан Носиров ва Анузар Юнусов олтин медалга сазовор бўлди.

Жаҳон чемпионатининг дастлабки кунини эркаклар ўртасидаги спринт беллашувларида иккинчи ўринни эгаллаган Р. Носиров олти километрга ўтказилган кроссда ўз кўрсаткичларини аниқ яхшилади. Моҳир спортчилар мусобақада асосий рақобатчилари — россиялик Алексей Катренко ва Александр Качановскийни ортада қолдириб, маррага биринчи келди. Мазкур ғалабадан сўнг Р. Носиров ўз фаолияти давомида Осиё, Европа ва жаҳон чемпионлигида сазовор бўлган биринчи Ўзбекистонлик биатлончидир.

Ў.А.

Собира Раҳимов туманида рўйхатга олинган «TURON AGROLIZING» МЧЖ (ИНН 300970234, ОКПО 22579265) ўз почта манзилли Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Митан кўрғони, А. Темур кўчаси, 2-уйга ўзгартирганини маълум қилади.

Даволат бир ой давомида Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Митан кўрғони, А. Темур кўчаси, 2-уйда қабул қилинади.

Тошкент Давлат аграр университети томонидан 2006 йилда Юлчиёв Баҳодир Хамидуллаевич номига берилган В № 235026 рақамли (рег. № 1317) диплом йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Хамза туманидаги «АҚОМХОЛ ОАНАҲОНА» хусусий корхонаси ўз устав жағмармасини 9 428 968 сўмдан 1 300 000 сўмга камайтираётганини маълум қилади. Тел.: 186-70-77.

«KARVON ISTIQLOL» МЧЖ ўз устав жағмармасини 2009 йил 13 июлдаги таъсисчилик мажлиси баённомасига асосан 303469978 сўмдан 267284978 сўмга камайтираётганини маълум қилади.

Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор марказий ўйингоҳида минни футбол мусобақаси ташкил этилди.

МАЙДОНДА —
УСТОЗЛАР

Унда худудий босқичларда голиб чиққан ўқитувчи ва мураббийларнинг 6 та жамоаси фахрли ўринлар учун кураш олиб борди. Қизгин беллашувлар остида ўтган мусобақада Маҳмуд Муродов раҳбарлигидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси биринчи, Мадиёр Ахмедов раҳбарлигидаги 17-мактаб жамоаси иккинчи, Мавлуда Абдураимова раҳбарлигидаги 10-мактаб жамоаси минни футболчилари учинчи ўринларни эгаллашди.

Ҳалилар дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Қатрала

БЕҲАБАРАЛИК

ҚУЁШ

— Дунёда ненинг тафтидан баҳраманд бўлмаган каснинг ўзи йўқ, — деди Қуёш. — Ҳоҳасам ҳаммасини ёйиришим, қуйиришим мумкин. Нафақат муз, балки тошларни ҳам эритиб юбораман...

Аммо, шу онда ер шарининг шимолий қутбигада абалый музликлар: «Дунёдаги ҳеч қандай қуч бизни еритолмайди, эритмоқчи бўлганининг ўзи музга айланади», дея мағрурланарди.

ОЙ

— Агар мен бўлмасам, зулматни ҳеч ким еритолмасди, — ўйлади Ой. — Нақдлар ёруғ ва қучлиман. Одамлар бунини билишармикан?!

У шундай деб бўлган ортига яширинди. «Кани мени излашармикан?!» Шу пайт оламга ёғду сочиб Қуёш балқиди. Унинг ҳаётбахш нуруларидан бутун олам яшнаб кетди. Одамлар Қуёш боптунча, Ойнинг борлигини эслашмади ҳам.

Б

— Бу одамлар бутун бағримни тешиб юборишди-я. Тағин, бирор иншоот қуришса керак. Ҳеч тинишмас экан! — зорланди Ер.

— Ҳа, нимадир курса яхши-я! Ишқилиб тагиндан кемиришмас бўлгани, — деди Қоя. — Қачон қулар эканман, деб ваҳимада яшашдан ўзи асрасин.

СУВ

— Дунёнинг қирини ювавериб чарчадим, осмонларга учиб кетсамикан, — деди Сув...

Бутта айланиб, қўлда учар экан, бесамар эркинликдан зерикди. Чунки уни ҳеч ким «оби ҳаёт» деб эркаламай қўйган эди. Ниҳоят, ёмғир томчиларига айланиб, яна ерга қайтди!

ДАРАХТ

— Дунёда ҳамма нарсга ўткинчи, — ўйлади у. — Одамлар ҳам омонат. Соғамда дам олаётганлар салқинларан пайтайланига менга раҳмат айтишди, лекин «тагини юмшатиб, сув қуйилик» дей-йишармикан...

Ҳа, вақт ўтган сайин Дарахтнинг барглари майдаллашиб, танаси қуруқлаб борарди. Сийраклашиб, майдаллашиб қолган барглари қуёш нурига тўсмай қолди. Одамлар энди шу яқин атрофдаги гуржирган бошқа дарахтлар тағиди салқинлаб, дам ола болашади. Лекин, қурий бошлаган Дарахтни ҳам унуттишмади. Кимдир уни аралаб, ўтин қилиш учун уйига ташиб кетди.



ТУРКМАНИСТОНДА ЎЗБЕК КИНОСИ КУНЛАРИ

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари маданий-маърифий соҳада ҳам ривожланиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил октябры ойда Туркменистонга давлат ташрифи давомида маданий алоқаларни ривожлантириш бўйича ҳам ҳужжатлар имзоланган эди. Жорий йилнинг 17-20 сентябрь кунлари Ашхобод шаҳрида «Ўзбекистон миллий киноси кунлари» бўлиб ўтди.

«Ўзбекино» миллий агентлигининг маълум қилишларича, миллий фильмларимизнинг ўзига хос байрамга айланган ушбу тадбирда юртимиз кино арбоблари, таниқли режиссерлар, санъатшунослар иштирок этди. Тадбир давомида турли учрашувлар, анжуманлар, премьералар бўлиб ўтди.

Истиклол йилларида Президентимиз раҳнамолигида санъатнинг барча турлари каби миллий кинематографияни равнақ топтириш, унинг бой аъёнларини янада ривожлантириш, кишилар тафаккури, бадиий диди, маънавиятини юксалтиришга, томошабинлар қалби ва онгига эзгу ғоялар

сингдиришга хизмат қилувчи кино асарларини яратиш, ёш истеъоддорларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон миллий киноси кунлари» давомида эришилган бундай ютуқлар ва янгиликлар билан туркменистонлик кино ихлосмандлари атрофлича таништирилди.

«Тошкент — ислом маданияти пойтахти» сингари йигирмадан зиёд бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Туркменистонлик томошабинлар бу экран асарларини қизиқиш билан кутиб олдилар.

Ў.А.

Одамийлик шеваси

Хар кимнинг диди ўз феъл-атвориға мос. Биров у, биров бу нарсга ишқибоз. Шунингдек, бировлар севиб, сел бўлиб тинглайдиган ҳофизни бошқалар ёқтирмайди. Аммо, ширалли овозининг, ёқимли оҳангли қўшиқнинг йўриғи бошқа.

Хусусан, Ўзбекистон телерадиокорпорациясининг «Ёшлар» каналда хар яхшанба оқшомида эфирга узатиладиган «Тараннум» кўрсатувига янғровчи ҳамма қўшиқлар менга ёқади. Биринчидан, бу кўрсатувда асосан мумтоз қўшиқлар ижро этилади. Иккинчидан, дастурга кўпроқ ёш истеъоддорлар ва энг муҳими, устоз кўрган умидли ёшлар тақдир этилади. Учинчидан, телевидениенинг таниқли суҳбондони, шу билан бирга ўзининг беазир овози ва мукамал ижро маҳорати билан аллақачон етук мумтоз қўшиқлар ижроси сифатида эл қалбидан кўп олган Шухрат Қайумов кўрсатувни мулозимат-муомала маданияти доирасида шундай майинлик билан олиб борадики, бу бир томондан ёш ижрочиларга қучли далда, рағбат бўлса, бошқа жиҳатдан санъатсева ҳалқимизнинг ўзбек миллий қўшиқларига илоҳини янада оширади.

Ажаб эмаски, мамлакатни дунёга танитадиган улғу халқ ҳофизлари шу йўсинда етишиб чиқишса. Халқ ҳофизини — энг юксак унвон. Ҳамма қўшиқчи ҳам бу даражага етишавермайди. Бундай шарафга кўп йиллик заҳматли меҳнат орқали эришилади. Бу меҳнат қанчалик оғир ва машаққатли бўлса, унинг кетидан келадиған обрў, иззат, эъзоз ҳам шу қадар юқори бўлади.

Халқ ҳофизини унвони замирида юксак масъулият ҳам ётади. Ҳофиз барча ҳаммасблари, аинқиса, ёш ижрочиларга нафақат қўшиқчилар, балки ҳаётий масалаларга ҳам ўрнак, намуна бўлмоғи талаб этилади. Таъбир жоиз бўлса, халқ ҳофизини унвони бир

тўрт чўким олганимизда, тўрт-беш хонадон нарида ажайиб мумтоз қўшиқ янғради. У ҳам баланд, ҳам жуда тиник эди. Ҳаммаимиз беихтиёр қўшиққа маҳлиё бўлиб қолдик. Мен ижрочини дарров танидим. У доврўғи чет элларга ҳам ёйилган машҳур ҳофизларимиздан бири эди.

— Ким бўлса ҳам чина-

— Ундай бўлса, бошланг, меҳмон — атои худо.

Кўчага чиққанимизда, дўстимиз «Сизлар аста келавинлар, мен олдинроқ бориб, вазиятни кўрай», деб илдамлаб кетди. Тўйхонага яқинлашдик. Туҳнат одам. Ичкари тўлган. Хатто, дарвозахонага ҳам яқинлашиб бўлмайди.

Вазиятни кўриб, қадами-

спиртли ичимликларнинг озғи очилганидан сўнг бошланди. Бундай базмларнинг обдон ҳавосини олган ҳофиз даврадагиларнинг кайфиятига қараб, шўх-шан қўшиқларни кетма-кет улашга ўтди. Рақс тўшувчилар кўпайган сари пул қистир шавжага чиқди. Ўйинчилар чаккаларига кистирилган пуллари сиқилди, жимжима сўрида атайлаб очиб қўйилган тор ва доира гилофларига кетма-кет ташлаб турилишти. Бунини кўз қири билан кузатиб бораётган ҳофиз шўх қўшиқларни янада авжлантирапти.

Шу аснода бир ширакай йигит бир даста пулни ҳофизнинг бошидан сочиб юборди-да, қўлуғига пичирлади. Шу қўшиқ тинди. Ғала-ғовур бироз пасайди. Ҳофиз факат ўзигагина хос ширалли овоз ва майин оҳангда «Муножот»ни қўйлаб бошлади. Маст-аластларнинг «мен сизга айтсам»идан бошқа овозлар бир муддат тинди.

Ўзбек миллий санъатининг дурдонаси бўлган мумтоз қўшиқнинг сеҳри оҳанглари ошфута дилларга оқиб кира бошлади.

Афсуски, кўнгиллар роҳатдан мумдек эриётган шу лаҳзада яна бир маст киши чайкала-чайкала ҳофизга яқинлашди-да, киссасига бир даста пул тикиб, шўх қўшиқ буюрди. Хали икки мисраси ҳам қўйлаб улғурилмаган шох асар шу ерда узилди. Гўё қандайдир ёвуз куч шундай гўзал қўшиқнинг бошини танасидан жудо қилди. Ҳофиз эса, ҳеч нарсга бўлмагандек, ўнг қўлуғини торнинг қўшақ қорнига босганича, озарбайжонча шўх қўшиқни завқ билан бошлаб юборди...

Кизик, у нимадан завқланапти ўзи? Хар ҳолда қўшиқ сеҳридан бўлмаса керак? Ахс ҳолда «Муножот»ни кундада чопмасди.

...Биз бевақф бўлган мумтоз қўшиқдан кўра кўпроқ ҳофизга ачиндик.

Самад Йўлдош.

Биласизми?

БОЛАНГИЗНИ
УРИШМАНГИ

Ёш болани мактабга ёмон баҳо олгани учун жазолаш хавфи экани маълум бўлди.

Яқинда япониялик бир ўсмир йигитча инглиз тилидан «икки» баҳо олганда, Ота-онаси эса аввалдан огоҳлантирилган:

— Агар инглиз тилидан ёмон ўқисанг, уйдан ҳайдаб юборамиз!..

Бола шу гаплар эсига тушиб, мактабдан келганда, нима қилишни билмай, уйига ўт қўйиб юборди. Бу вақтда ота-она мактабга инглиз тили муаллими сининг ҳузурига кетишганди.

Нимага қилсин? Кўрқув вужудини эгаллаб олган боланинг ногонлиги сабаб унинг яримдан кўп қисми ёниб қол бўлди.

БУ
КУЗЧЕКМАНГ,
МИЛКИНГИЗ
ҚОРАЯДИ

Тамаки ишқибозларининг тиши сарғайиб кетиши ҳаммага маълум. Бироқ олимлар олиб борган тадқиқотлар сугарета чекувчиларнинг тиш мизлари ҳам қорайиб кетишини кўрсатди.

Бироқ, миз пингментацияси, яъни қорайиш факат чекувчиларга хос деб ўйлаш хато экан.

Олимлар ота-оналарни чекувчи болаларнинг оғиз бўшлиғига турли хасталиклар учрашини, хусусан, уларнинг мизлари қорайиб кетишини исботлашди.

Стоматологлар 59 болани жиддий текширувдан ўтказишди ва уларнинг ота-оналаридан ҳеч бўлмаса биттаси ашаддий қашанда эканлигини аниқлашди.

Олимлар яна бир муаммага эътибор қаратишди. «Пассив чекиш», яъни чекувчилар олдига ўтириб ёки туриб сугарета тутушунини ютишга мажбур бўлган болалар ва катталарнинг тиш мизлари ҳам қорайиб кетаркан.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Bolalik bog'i

BAHRON NEGA
UYALIB QOLDI?

Tong otdi. Bahrom o'ridan turdi-da, onasining oldiga yugurib borib erkalandi:

— Onajon, meni yaxshi ko'rasizmi?

— Seni yaxshi ko'rmay, kimni yaxshi ko'ray Bahromjon, — dedi Nazira xola uni bag'riga bosib.

— Agar meni yaxshi ko'rsangiz, 500 so'm bering. — Nima uchun pul kerak bo'lib qoldi? — Hayron bo'lib so'radi Nazira xola.

— Birdan Bahromning afti bujmaydi, qovog'ini solib, tersayib turib oldi. Buni ko'rgan Nazira xola o'g'lining ra'yini qaytargisi kelmadi. Ichkari xonaga kirib, bitta besh yuz so'mlik pul olib chiqdi. Bahrom uni oldi-da: «Men maktabga ketdim» deganicha, ko'chaga o'tildi.

Uydan chiqqach, u sinfdoshi Azizga qo'ng'iroq qildi, bugun maktabga bora olmasligi, isitmasi chiqib yotganini aytdi.

Kechki payt Nazira xola eshik oldini supurayotgan edi, Aziz o'tib qoldi. Ikki o'troq maktabdan birga kelishlarini ona yaxshi bilardi. Shu sabab tashvishlanib so'radi:

— Azizjon, bolam, Bahrom

o'rtog'ing qani?

— Bahrom maktabga borgan yo'q. Halli telefon qilib, «isitman chiqib yotibman», deb aytdi-ku...

Azizning bu javobidan Nazira xola tashvishga tushib turganida, ko'chga boshida o'g'li ko'rdi. Bahrom hech nima bo'lmagandek, salom berib, hovliga kirayotganida Nazira xola so'rab qoldi:

— Bugun nega o'qishga bormading?

Onasi qoshlarini chimirib turardi. Bu vujohatni ko'rib, Bahrom:

— Meni kechirib onajon, kompyuter markazida o'yin o'ynab, o'qishdan kech qolib ketdim.

— Keyin kechgacha o'yin o'ynading-a?

Bahrom ostonada boshini egib, uzoq turib qoldi. Shu payt Aziz ham uylaridan chiqib keldi. O'rtog'ining holatini ko'rib, u hammasini tushundi. U do'stiga qarab boshini sarak-sarak qilib qo'ydi. Bundan Bahrom battar mulzam bo'ldi. U qizarib ketgandi.

Zulfiya SATTOROVA, Zangiyota tumanidagi

15-maktabning

6-sinf o'quvchisi.

Кулганга
нима етсин

— Официант, бу таомларингизни умуман еб бўлмайди-ку? Менга зудлик билан бош ошпазингизни чақириб беринг!

— Ҳозир чақириб беролмайман. Бош ошпазингиз шаҳар марказига тушлик қилгани кетганлар.

— Тешавой нега ишонингда бўш жойлар қолдирдинг? — Реклама учун жой ташлаганман.

— Сен нима учун охириги пайтда кўп ичадиган бўлиб қолдинг?

— Бу менга ақдолларимдан мерос.

— Нима демокчисан?

— Қайнотам ўлиб, беш пақир қўлбола ароқ қолдирган.

Рассом хандаси



Осимхон ВОСИХОНОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
бўшқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Хуршида НАЗАРОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ